



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 11 октябрь, № 199 (4609)

Шанба

ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 9-10 октябрь кунлари Бишкек шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) Давлатлараро кенгашининг мажлисларида ҳамда Марказий Осиё давлат раҳбарларининг учрашувида иштирок этди.



Бишкекда 10 октябрь кунлари МДХ саммити бўлиб ўтди. Учрашув кун тартибидagi асосий масала келажакда Ҳамдўстликни иқтисодий ривожлантириш стратегияси бўлди. Ушбу ҳужжат МДХга аъзо ҳар бир мамлакатнинг ривожланиши даражасини, салоҳият ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва иқтисодий интеграция жараёнларини фаоллаштиришни кўзда тутди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур стратегия МДХда иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари устувор ўрин тутиб бораётганидан далолат беради. Кузатувчи ва таҳлилчиларнинг фикрича, Ҳамдўстлик доирасида қабул қилинган ҳужжатлар орасида қозғола қолган кетганлари ҳам йўқ эмас. Бишкекда стратегиянинг муҳома қилиниши аъзо давлатлар МДХнинг иқтисодий салоҳиятини тўла ишга солиш учун амалий қадамлар қўяётганини аёнлаштирди. Ўзбекистон Президенти МДХни

ривожлантиришда «аввал иқтисод, кейин сиёсат» тамойилига асосан иш юритиш зарурлигини аввалдан таъкидлаб келади. Зеро, давлатлараро муносабатлар биринчи навбатда иқтисодий ҳамкорликка асосланиши зарур.

Саммитда Ҳамдўстликни ислоҳ қилиш, унинг органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. МДХ мақомида тарихан қарор топган иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ҳар бир аъзо давлат учун манфаатли асосда сақлаш, ривожлантириш ва замон талаблари асосида қайта кўриб чиқиш зарур. Бундай алоқаларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Дeyлик, бир мамлакатнинг чекка ҳудуди электр энергиясини кўшни давлатдан олади. Бир давлат хом ашё ё ярим-тайёр маҳсулот экспорт қилади, бошқаси уни қайта ишлайди. Баян бир соҳанинг ўзида экспорт ва импорт аралаш бўлади. Мисол учун, Ўзбекистон қурилиш материалларини экспорт қилади, айни вақтда

қурилиш учун зарур ёғочнинг муайян қисмини четдан келтиради.

Гуманитар соҳада ҳам МДХ мамлакатлари ўртасида кўп томонлама фойдали алоқаларни ривожлантириш зарур. Таълим, маданият ва саноат, соғлиқни сақлаш, спорт, илмий тадқиқотлар маданиятни боийтишга, илм-фани ривожлантиришга, халқлар ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.


Президентлар МДХнинг Душанба саммитида қабул қилинган қарорлар, 2008 йилнинг транспорт муаммоларини ҳал этиш йили деб эълон қилинган муносабат билан ишлаб чиқилган дастурлар ижросининг боришини муҳома қилдилар. МДХни ривожлантириш концепциясини ҳаётга татбиқ этиш режасининг бажарилиши таҳлил қилинди. Давлат раҳбарлари Ҳамдўстлик Ижроия қўмитасининг МДХ тузилмалари билан бошқа минтақавий ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликка доир ахбороти билан танишдилар. Саммитда хавфсизликни мустаҳ-

камлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, халқаро молиявий инқироз, ушбу бўҳрон келтириши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф этиш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди. Молия тўғрисидаги қарорларда ишчи гуруҳи тузишга келишиб олинди.

Музокара якунида МДХни иқтисодий ривожлантириш стратегиясини қабул қилиш тўғрисидаги қарор ҳамда Ҳамдўстлик фаолиятига, қатор соҳаларда кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга оид ҳужжатлар имзоланди. МДХга раислик Молдова Республикасига ўтди.

ЕврАзЭС Давлатлараро кенгашининг мажлисида асосий эътибор Божона иттифоқини тузиш ишларини якунига етказиш масаласига қаратилди. Ҳамжамият доирасида бу жараён давом этмоқда.

Президентлар транспорт коммуникациялари ва транзитдан унумли фойдаланиш масалаларини кўриб чиқдилар. Аграр саноат мажмуида ҳамкорлик, Ҳамжамиятни иқтисодий



Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг номоддий маданий мерос объектлари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга бағишланган семинар-йиғилиши бўлиб ўтди.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади.

Унда мустақиллик йилларида халқимизнинг тарихий, маданий ва маънавий меросининг моддий ва номоддий намуналарини тиклаш, муҳофаза қилиш, тарғиб ва ташвиқ этиш борасида катта ишлар амалга ошириб келинаётгани, улуг алломаларимиз, қадимий шахарларимиз, "Авесто", "Ал-помини" сингари китобларимизнинг сана тўйлари юртимиз ва халқро миқёсда кенг нишонлангани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Маълумки, Ўзбекистон маданий мероси муҳфазасида шундай бир қатор халқаро конвенцияларга қўшилган. Улардан бири Номоддий мероси муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция бўлиб, мамлакатимиз 2007 йилда унинг тўлақонли аъзосига айланган эди. Бу эса миллий қончилигимизни халқаро ҳуқуқ нормаларига уйғунлаштириш заруратини юзага келтирди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос

объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш масаласи семинарнинг бош мавзуси бўлди.

Тадбирда амалдаги қонунни қайта кўриб чиқиш, халқаро конвенциянинг 16-моддасига мувофиқ, миллий номоддий маданий мерос объектларини инсоният номоддий маданий меросининг тегишли рўйхатига киритиш, уларнинг илмий ва илмий-техник тадқиқотни ривожлантириш, маданий мерос объектларини муҳофаза қилишда жамоатчилик иштирокини кўллаб-қувватлаш, йўқотилган номоддий маданий мерос объектларини қайта тиклаш масалалари ҳам атрофлича муҳома этилди.

Семинар якунида "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунга қўшимча ва ўзгаришлар киритиш мақсадга мувофиқ, деб тоғилди.

Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида Ўзбекистон Республикасининг "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунининг тоғ-кон саноати қорхоналари ва "Саноатқонтехназорат" давлат инспекцияси томонидан ижроси масаласига бағишланган назорат-таҳлил йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда тоғ-кон саноати қорхоналари ва "Саноатқонтехназорат" давлат инспекцияси томонидан саноат хавфсизлиги бўйича экспертиза ўтказиш, хавфли ишлаб чиқариш объектларини давлат реестрида ҳисобга олиш, саноат хавфсизлигини декларациялаш, ҳалокат содир бўлганда жавобгарлигини суғурталаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Айни вақтда мазкур инспекция томонидан хавфли ишлаб чиқариш объектларини фойдаланишга топширишда иштирок этиш, саноат қорхоналарининг хавфсизлик талабларига мослигини назорат қилиш, уларга чет эл технология ва ускуналарини жорий этиш бўйича эксперт хулосаларини бериш ишлари яхши олиб борилаётгани ҳам айтилди.

Йиғин иштирокчиларига қонунчиликнинг норматив ҳуқуқий базасини мукамаллаштириш мақсадида 2010 йилгача саноат хавфсизлиги соҳасида 280 дан ортиқ меъёрий техник ҳужжатлар ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мўлжаллангани айтилди.

Тадбир якунида шахс ва жамиятнинг муҳим ҳаётий манфаатларини хавфли ишлаб чиқариш объектлари хавфли ва уларнинг оқибатларидан ҳимоялашга эътибор қаратиш ҳамда меъёрий техник ҳужжатлар ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишни жаддаллаштириш тавсия этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг 2009 йилга мўлжалланган Давлат бюджетни лойиҳаси, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари муҳомаасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғин иштирокчилари томонидан 2009 йилда Давлат бюджетининг 56,5 фоизи, яъни ярмидан зиёди ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётгани ҳамда бу харажатлар 6 триллион сўмдан зиёдани ташкил этаётгани ижобий ҳолат сифатида эътироф этилди.

Тадқим этилган бюджет лойиҳасининг яна бир эътиборли томони шундаки, дейилди йиғилишда, иқтисодиётга акратилаётган маблағнинг 84 фоизи бевосита қишлоқ ҳўжалигига йўналтирилмоқда. Ушбу маблағ сув ҳўжалиги объектларини сақлаш, сув-насос станциялари учун сарфланадиган электр энергиясини тўлаш, ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, мураккаб табиий шароитларда ишлаётган фермер ҳўжалиқларини қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланмоқда.

Йиғилиш якунида муҳома этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

З. ХУДОЙШУКУРОВ.


ВАРШАВАДА БРИФИНГ

Польшадаги Шарқ тадқиқотлари марказида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллиги ҳамда бу борада Ўзбекистон Республикаси ҳўкумати томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларга бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Тадбирда Польша ноҳўкумат ташкилотлари, давлат идоралари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Инсон ҳўқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А. Саидов сўзга чиқиб, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳўқуқий ислохотлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримовнинг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳўқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори ҳақида ахборот берди.

Брифингда Ўзбекистон инсон ҳўқуқлари соҳасидаги 60 дан зиёд халқаро шартномани имзолани қайд этилди. Шунингдек, мамлакатимиз БМТнинг бу борадаги олтинчи асосий халқаро битимига қўшилган. Бугунги кунда Ўзбекистон томонидан 20 та миллий ҳисобот тақдим этилган бўлиб, шулардан 18 таси БМТ конвенция муассасалари томонидан кўриб чиқилган. Юртимиз ташкилотнинг шартнома органлари билан ҳам, хусусан, махсус



IV Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси олдида

Аввал маълум қилинганидек, Тошкентда 14-15 октябрь кунлари Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган IV Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтади. Ўзбекистон бу йил ўз ҳамкорларига нави ва сифати жиҳатидан қандай толани таклиф этмоқда? "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертифицилаш маркази бош директори Валерий Устюгин бу ҳақда ўз ахбороти билан танишдилар.

ЎЗБЕК ПАХТАСИГА ЖАҲОН БОЗОРИДА ТАЛАБ ОРТИБ БОРМОҚДА

— Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасини ҳар йили ўтказиш аянгага айланди ва у жаҳон пахта бозорида мустаҳкам ўрин эгаллади. — дейди В. Устюгин. — Ярмарка иштирокчилари сони ва унинг якунида тузилаётган шартномалар ҳажми ҳам йил сайин кўпайиб бормоқда. Қўйлаш учун биргина мисол: 2005 йилда ташкил этилган биринчи ярмаркада

30 мамлакатдан 170 га яқин компания вакиллари қатнашган бўлса, 2007 йилда дунёнинг 35 мамлакатидан фаолият кўрсатаётган фирма ва компанияларнинг 450 нафардан ортиқ вакили иштирок этди. Жорий йилда эса ярмаркада қатнашиш учун бундан ҳам кўп ариза қабул қилинди. Буларнинг барчаси хорижий бозорларнинг ўзбек паختасига эҳтиё-

жи ортиб бораётганидан далолат беради. Трейдер ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар бизнинг пахтаимизни сотиб олишдан манфаатдор. Чунки ўзбек толаси ўзининг юқори сифати билан ақралиб туради ва у халқаро миқёсда эътирофга сазовор бўлган.

Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари ташаббуси билан

кенг миқёсда, хусусан, пахтачилик соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг бевосита натижасидир. Соҳада катта ўзгаришлар амалга оширилди, пахта селекцияси ва уни етштиришдан толани сертифицилаш ва сотишга бўлган жараёнлар энг илғор жаҳон

(Давоми 2-бетда).

Бир рақам шарҳи

КОРХОНАЛАРНИНГ МУЛКЧИЛИК ШАКЛИ ЎЗГАРМОҚДА

2008 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида республикамизда 237 та давлат қорхонаси мулкчилик шаклини нодавлат шаклга ўзгартирди.

Ана шу қорхоналарнинг асосий қисми хусусий мулкдорлар томонидан тўлиқ сотиб олингани уларда янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, харидорғир маҳсулотлар тайёрлаш ва янги иш ўринларини яратиш имконини берди.

«Жаҳон» АА.
Варшава шаҳри.

ЖАҲОН 24 соат ичида
Хайдовчилар норозилиги



Лондон кўчаларида минглаб автобус хайдовчилари иш ташлаб, намойишга чиқиди.

Намойиш иштирокчиларидан бирининг сўзлари-га қараганда, хайдовчиларнинг норозилиги улар-га иш ҳақи тўлаш масаласида адолатсизлик қили-наётгани сабаб бўлган.

Кема эвазига қурол-яроғ

Бир неча ҳафтадан буён сомалилик қароқчилар томонидан гаровда ушлаб турилган «Фиана» кемаси юзасидан музокаралар давом этмоқда.

Авалроқ дунё омма-вий ахборот воситала-рида қароқчилар кема-ни катта қимдордаги маблағ эвазига сотиш илинжида забт этганли-клари ҳақида хабар тар-қатилганди.

сўнгги маълумотларга қараганда, босқинчилар кема эвазига қурол-яроғ талаб қилишмоқда.

Халокат оқибати

Таиланд шарқида талабаларни олиб кетаётган автобус ҳалокатга учради.

Манбаларда келтири-лишича, воқеа жойида 21 киши ҳалок бўлган, эли-кча яқин киши тан жаро-ҳати олган.



Нуфузли мукофотнинг навбатдаги соҳиби


Мана бир неча кундирки, Стокгольм шаҳрида Нобель мукофоти совриндорла-ри номи эълон қилинмоқда.

Ушбу нуфузли муко-фотнинг адабиёт йўна-лиши бўйича Франция-лик ёзувчи Жан-Мари Гюстав Леклезю-Фоллиг деб топилди.

монидан севиб ўқил-моқда.

«Оскар»да янгилик

Америка киноакадемиясининг нуфузли мукофоти — «Оскар» бу йил ўзига хос тарзда ўтказилади.



Хоризк матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«Рейтер» ахборот агентлиги хабарига кўра, тадбирнинг тўғридан-тўғри эфир-га узатилиши давоми-да илк бор янги фильмларнинг рекла-маси ҳам кўрсатилади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ аҳоли орасида қўлланила бошланган «Истеъмолчи ҳуқуқи» деган ибора 1996 йилга келиб ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг яратилишига асос бўлди.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ БУЗИЛМАСИН

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан сўнг жойларда алоҳида жамият-ятар ташкил этилдики, бу маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари, ўқув даргоҳлари, корхона ва ташкилотлар, шунингдек, жамоат ташкилотларида оммавий равишда истеъмолчилар ҳуқуқлари юзасидан тарғибот-ташви-қот ишлари олиб бориш имкониятини янада оширди.

ҳаёт» ҚФЙда яшовчи Намоз Сулай-монов бизга мурожаат қилди. У ш-ҳардаги устахоналардан бирига қўл телефонини созлатишга берган экан. Келишилган муддат ўтиб кетган бўлса-да, уста ваъда қилинган ишни бажарма-ган, телефон таъмир-ланмай қолган.

аҳолиси билан бўлган мулоқотлар-дан сўнг «Жиззахўштсавдо» ОАЖ-га қарашли 13-дўкон, Яхтанлик ма-ҳалласидаги «Дадажон-Шахбозбек», «Ялла» мини-маркети каби савдо масканлари шаънига билдирилган эътироз-лар ўз тасдиғини топди ва уларга нисбатан те-гишли чора кўрилди.

нидаги М. Ёқубовга қарашли хусусий тегиримонда, Галларолдаги М. Ма-масолиевга тегишли оқватлиниш шо-ҳобчасида, бахмаллик Н. Худойназа-ровнинг хусусий чойхонасида электр энергиясидан қонунга хилоф равиш-да фойдаланилган. Бундай ҳолатлар табиий газдан фойдаланишда ҳам уч-раб турибди.

ДИҚҚАТ, ИЖОДИЙ ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот восита-лари ва ахборот агентликлари кўлаб-қувватлаш ва ривожлан-тириш жамоат фонди «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирларда оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирок этишини таъминлаш, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган демократик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни кўлаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида эълон қилган «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзусидаги ижодий танлов давом этмоқда.

оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этил-ган бўлиши лозим; — тақдим этилган мате-риаллар эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак; — фоторепортажлар асл нус-хада тақдим этилади; — ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғри-сида қисқача маълумот, пас-портга оид) маълумотлар ило-ва қилинади.

си Миллий маркази, Ўзбеки-стон Республикаси Олий Мах-лиснинг Инсон ҳуқуқлари бўй-ича вакиллиги (Омбудсман), ҳуқуқшунос олимлар, малакали мутахассис экспертлар ва ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган журналистлардан таркиб топган жюри ҳайъати томонидан аниқ-ланади.

Танлов шартлари: — танловга жорий йилнинг 1 июнидан республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларация-сининг мазмун-моҳияти ва мамлакатимизда бу ҳужжатнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қили-ни таъминлаш, шахсни ҳар то-

монлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаро-лик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун за-рур ижтимоий-иқтисодий, сиё-сий-ҳуқуқий шартни яратишга қаратилган мавзудаги ахборот таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади; — танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фа-олият олиб бораётган босма

Материаллар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ах-борот воситалари ва ахборот агентликлари кўлаб-қув-ватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида 2008 йил 1 декабрда қадар қўйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси, 30-ўй, 3-қават, 5-хона. тел./факс: 244-12-51, 244-15-96, www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpaz.uz, mmf.uz@mail.ru.

Тошкент қўмитаси.

Қисқа сатрларда

Рўзгор баракаси

Наманган туманидаги Шўртан қишлоғида яшов-чи Омина Бобоназарова дав-лат жамғармасидан олган бир миллион сўм миқдордаги имтёзли кредит ҳисобига со-нин сигир харид қилди.

Ишли бўлди

Гулистонлик ишбилар-мон А. Уролов тивук чеҳи, сартарошхона, уяли теле-фонларга хизмат кўрсату-вчи шохобча, шунингдек, 400 ўринли тўйхона ташкил этганини сабабли 30 на-фар киши муқим иш билан таъминланди.

А. ХОНИМУЛОВ.

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

Республика Кўчмас мулк биржаси Самарқанд вилояти филиали

нархлари босқичма-босқич олиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Республика Кўчмас мулк биржаси Самарқанд филиали, Самарқанд шаҳар «Ҳужум» ОАЖ тугатиш бошқарувчиси билан ҳамкорликда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Самарқанд вилояти ҳўжалик сўдининг 14-07-3894/19-сонли қарорига асосан «Банкрот» деб эътироф этилган, «Ҳужум» ОАЖ кредиторларининг 2008 йил 30 сентябр-даги 2-сонли йиғилиш қарорига асосан жамият балансидаги асосий воситалар (жумладан транспорт воситалари ҳам) ва қимматли қўғазлари бир бутун мажмуа сифатида қўйилган.

Бошланғич баҳоси — 356 000 000 сўм.

Юқоридаги очик аукцион савдоларига чиқарилган мол-мулклар мажмуаси қуйида-ги шартлар асосида сотилади:

- асосий фаолиятни сақлаб қолиш;
• мулкий мажмуадаги мол-мулкларни талон-тарож қилмасдан, аксинча реконструкция қилиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, замон талабларига мос равишда ривожлантириш;
• мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш;
• корхонани янги технологиялар билан жиҳозлаш ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида қўшимча сармоя киритиш.

Аукцион савдоси 2008 йил 11, 18, 25 ноябрь ва 2 декабрь кунлари соат 11.00 да мулкий мажмуа сотилгунга қадар мунтазам равишда Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85 «А»-ўй, Давлат Мулк қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси биносининг 510-хонасида ўтказилади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини аукцион ташкилотчисининг қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: ДАТ Аска банк Самарқанд филиали 20210000500571452071, код: 00264, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланғичидан бир соат олдин тўхтатилади.

Лицензия: ДВ 001 №000004

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-366) 233-80-56, 233-80-11.

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!

«ЎЗБЕКНЕФТАЗ» МИЛЛИЙ ҲОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ «ЎЗНЕФТАЗКАЗИБЧИҚАРИШ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Шўртан газ-кимё мажмуаси

қуйидаги кимёвий реагентларни ва ускуналарни сотиб олиш юзасидан 05/08-рақамли тендер савдосини эълон қилади:

- Лот № 1 Пентандион 2.4 PD — 74,258 тонна.
Лот № 2 Алюминий окиси PA — 476 тонна.
Лот № 3 Циклогексан SH — 600 тонна.
Лот № 4 BA-1102 Пиролиза печининг радиантлик трубалари.
Лот № 5 BA-1102 Пиролиза печининг радиантлик трубалари.
Лот № 6 BA-1102 Пиролиза печининг радиантлик трубалари.
Лот № 7 BA-1102 Пиролиза печининг конфекционли трубалари.
Лот № 8 GD-1801 газотрубасининг подшипниклари тўплами.
Лот № 9 Диаметри 250 ммгача бўлган босимли трубалар ишлаб чиқарадиган линия.

Тендер муддати — эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кун. Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Шўртан газ-кимё мажмуаси, 180100, Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан кўрғони. Тел.: (998 75) 780-85-72. Факс: (998 75) 221-09-04, 221-08-46. Электрон почта: group_hr@sgcc.uz

Мусарфо ҳаво — Танга даво
«Экосан» халқаро ташкилотиде «Кузги ҳазорреғи даврида экология ва саломатлик масалалари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Экология

Унда чиқиндиларни ёқиш-нинг атраф-муҳит ва инсон саломатлигига салбий таъсири хусусида сўз борди. Таъкидланганидек, ёқилган хазонлардан ажралиб чиқувчи ўта зарарли моддалар, жумладан, полимернинг хусусий чойхонасида электр энергиясидан қонунга хилоф равиш-да фойдаланилган.

Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишда аҳоли ўртасида ўтказилаёт-ган мониторинг ишлари яхши самара бераётир. Шу боис, ўз ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини сўраб, бизга муро-жаат қилаётганлар ҳам кўпчиликини ташкил этмоқда. Масалан, ўтган сав-киз ой давомида 250 та ариза ва ши-коятнинг қонуний ҳал этилишига му-ваффақ бўлинди.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўт-казилаётган «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи» кўрик-танлови ҳам ёшлар-нинг истеъмолчилар ҳуқуқларига оид билимларини оширишга хизмат қилмоқда.

Гулноза ҲИРОТОВА, Жиззах вилояти истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари бирлашмаси раиси.

Тошкент автомобиль-йўллар институтида Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунининг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва кучга киришига бағишланган семинар ўтди.

Мажбурий суғурта имтиёзлари

Йигин қатнашчилари таъкид-лашганидек, мажбурий суғурта катта иқтимоий аҳамиятга эга-дир. Ўз фуқаролик жавобгар-лигини суғурта қил-дирган транспорт воситалари эгала-ри ёки хайдовчилари томони-дан содир этилган йўл транс-порт ҳодисалари натижасида жабрланувчиларга етказилган зарар суғурта компаниялари томонидан уларнинг мажбури-ятлари доирасида қоплаб бе-рилади.

Танлов голибларига мукофотлар: 1-ўрин (1 та) 2-ўрин (2 та) 3-ўрин (3 та) Ғолиблар диплом ва эсда-лик совғалар билан тақдирла-нади.

рнинг фуқаролик жавобгар-лигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги Ўзбеки-стон Республикаси Қонуни лигини суғурта қил-дирган транспорт воситалари эгала-ри ёки хайдовчилари томони-дан содир этилган йўл транс-порт ҳодисалари натижасида жабрланувчиларга етказилган зарар суғурта компаниялари томонидан уларнинг мажбури-ятлари доирасида қоплаб бе-рилади. Демак эндиликда бу ҳуқуқий ҳужжат босқич ҳис-обланувчиларнинг ҳам транспорт воситалари хайдовчиларининг манфаатлари ҳимоя қилинади. Шу муносабат билан жор-ий йилнинг 21 апрелида «Транспорт воситалари эгала-

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

Республика Кўчмас мулк биржаси Бухоро вилояти филиали

нархлари босқичма-босқич олиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Жизноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар сўдининг 2007 йил 29 октябрдаги 1-495-сонли ижро ҳужжатига асосан, Бухоро шаҳар суд ижрочилари бўлимаси томонидан хатланган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, «Тягач колесное шасси 543 А» русумли автоулов қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 52 350 000 сўм.

Аукцион савдолари 2008 йилнинг 12 ноябрь кўни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-ўй, РКМБ Бухоро вилояти филиалининг савдолар залида бўлиб ўтади.

Шунингдек, 2008 йилнинг 29 октябр кўни соат 11.00 да, РКМБ Бухоро вилояти филиалининг савдолар залида ўтказиладиган тақририй очик аукцион савдосига Бухоро вилояти ҳўжалик сўдининг 2005 йил 28 декабрдаги 20-0506/7393-сонли, 2006 йил 30 октябрдаги 20-0605/11281 ҳамда 2008 йил 23 июндаги 20-0810/2446-сонли ижро ҳужжатларига асосан, Пешку тумани суд ижрочилари томонидан хатланган, Пешку туманидаги «Пешку пилла» очик турдаги ҳиссасдорлик жамиятининг 15 номдан иборат мол-му-лари мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси 102 403 513 сўм.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорларнинг аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Юқоридаги курсатиб ўтилган мулклар билан тегишли СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини РКМБ Бухоро вилояти филиалининг АТИБ «Ипотечка банк»и Савдор филиалидаги, 20210000900571452052, қуйидаги ҳисобрақамига ўтказишлари шарт: МФО 00119, СТИР 200933850, ОКОНХ 83300.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-ўй. Тел: (8-365) 223-71-30. Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz.

Лицензия: ДВ 001 № 000004

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!

«UZTELMASH» ишлаб чиқариш корхонаси жа-моаси бош директор Бахтиёр Саломова падали буз-руквори

Жаббор САЛОМОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган қасаба уюшма қўмитаси 2-бўлим бошлиғи Давронбой Умаровага турмуш ўртоғи Хурматой УМАРОВАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«UZTELMASH» ишлаб чиқариш корхонаси жа-моаси бош директор Бахтиёр Саломова падали буз-руквори Жаббор САЛОМОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.



Шу йилнинг 8-24 август кунлари Хитой пойтахти Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX ёзи Олимпиада ўйинларида юртимиз спортчилари ҳам муносиб иштирок этиб, битта олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медали билан қайтишгандан хабардорсиз. Ана шу муваффақиятлари учун спортчиларимиз Президентимизнинг Фармони ва қарорига мувофиқ давлатимизнинг юксак унвон ҳамда медаллари, шунингдек, бир марталик пул мукофоти билан тақдирланишди. Халқимиз ҳам юрт шарафини улугʻлаган, уни жаҳонга танитган фарзандларини юқори қайғиёт билан қутиб олди.

Албатта, спортда галаба билан мағлубият ёнма-ён юради. Пекин Олимпиадаси бир қатор тажрибали спортчиларимиз учун омадли якулланган бўлса, ёш умидли спортчиларимиз учун бу нуфузли байрам ўзига хос мактаб вазифасини ўтади. Ана шулардан бири жаззаклик «чарм қўлқоп» устаси Хуршид Тожиевдир.

Хуршид вилотнинг Пахтакор туманида туғилиб, воёга етган. Ёшлиқдан боксга меҳр қўйган. У мазкур спорт турининг машаққатли эканини, рингга кўтарилиш катта жисмоний тайёргарлик талаб қилишини билгани учун ҳам ҳар бир машғулота алоҳида эътибор билан қаради. Унинг сир-асрорларини ўрганди. Қилган меҳнатларининг дастлабки натижалари ҳам кўринди. У бокс бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида уч бор ғолибликни қўлга киритди. Туркия, Озарбойжон ва Германия давлатларида ташкил этилган халқаро турнирларда совриндор бўлди. 2006 йили Вьетнамда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида қўмуш медаль соҳибига айланди. Орадан бир йил ўтиб, Алматыда ташкиллаштирилган Осиё чемпионатида барча рақибларидан устун келиб, юртимизга олтин медаль билан қайтди.

Ёшлар йили ҳам Хуршид учун омадли бошланди. Март ойида лашғанди. Ҳатто таниқли чарм қўлқоп усталаридан бири Рональд Райт ҳам Оскарни рақиб танлашда айблаб, норозилигини билдирганди. Аслида Луис Кампос Оскардан бор-йўғи бир ёшгина катта эди, холос.


Йиғит сўзидан қайтмас

Остона шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда иштирок этган боксчимиз юксак иқтидор соҳиби эканини яна бир бор исботлади. Ана шу галабаси унинг Олимпиада йўлнамасини қўлга киритишини таъминлади. Гарчи Хитойда шохсупага кўтарила олмаган бўлса-да, келгусида совринлари қаторига, албатта, Олимпиада медалини ҳам қўшиш ниятида ҳозирданок астойдил тайёргарлик кўрмоқда.

Менда ҳали имконият етарли. Юртимизда барча шароитларга эга спорт иншоотлари мавжуд. Қолаверса, Президентимизнинг бу соҳага алоҳида эътибор қаратаётгани. Яратиб берилган имконият ва билдирилган ишонччи Лондонда бўлиб ўта-

диган навбатдаги Олимпиадада оқламоқчиман. Хуршид Тожиевнинг ана шу эзгу ниятига биз ҳам тилакдоримиз.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.



Спортнинг ОЛАМИ

Сирли

2003 йил май ойида «Тилла бола» лақаби билан танилган Оскар де ла Хойя Луис Кампосга қарши рингга кўтарилиши ҳақида хабарлар тарқалганди.

Шундан сўнг кўпчилик мутахассислар бу боксчилар ёши ўртасида катта фарқ борлиги тўғрисида гапириб, уни ўтказиш адолатдан эмаслигини таъкид-

лашганди. Ҳатто таниқли чарм қўлқоп усталаридан бири Рональд Райт ҳам Оскарни рақиб танлашда айблаб, норозилигини билдирганди. Аслида Луис Кампос Оскардан бор-йўғи бир ёшгина катта эди, холос.

Виталий Кличко профессионал боксинг энг оғир вазида жаҳон чемпионлигини қисқа вақт ичида қўлга киритган боксчи ҳисобланади.

Экспертларнинг хулосасига кўра, раундлар ҳисобида катта Кличко биринчи чемпионлик унвонини (WBO камари) қўлга киритиш учун кам вақт сарфлаган. Бу кўрсаткичи билан у Гиннесснинг рекордлар китобидан ҳам ўрин олган. Украинлик спортчи бу борада афсонавий Майк Тайсонни ҳам ортада қолдирган.



РИНГ

Дунёга машҳур промоутер Дон Кингни танимган бокс мухлиси топилмаса керак. Айниқса, у ўзига хос соҳа турмаги билан ҳам омма эътиборини тортади. Буни Кинг куйидагича изоҳлайди: «Бир кун тонгда уйқудан уйғониб қарасам, сочларим телага қайрилиб қолибди. Шундан буён уларга тегмайман».

Кўлаб жанларда, қонга бела-ниб бўлса-да, охири-оқибат рингни ғолиблик камари билан тарқ этадиган чарм қўлқоп устаси Артуро Гатти ҳақида эшитгансиз, албатта.

Жангда ҳеч нарсадан ҳайқмай-диган ушбу боксчи фақатгина она-сидан жуда кўрқиниши кўп бора таъкидлаган. Балки бу унинг она-сига бўлган ҳурматиридир.

Аёллар бокс оламида таниқли «чарм қўлқоп» усталаридан бири Лусиа Райкер ва унинг мураббийи ўртасида қутилмаган воқеа содир бўлди. Гап шундаки, Лусиа машғулотлар залида баланд овозда мусиқа тинглаб, машқ қилаётганди. Бундай шовқин-сурон мураббийнинг телефонда гаплашишига халақит бергани боис, у боксидан мусиқани ўчириб туришини сўрайди. Лекин орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Лусиа ўз билганича иш тўтиб, мусиқа садосини яна кўтариб қўяди. Бундан жаҳли чиққан мураббий шогирдига ўшқиради. Боксчи эса бақироқ устозига ўзи ўргатган усуллардан бирини қўлаб, уни нокаутга учратди.

«Майнц Дитиб Тюркгодью» (Германия) футбол жамоасининг туркиялик ҳужумчиси Уфук Акхайнак учрашув вақтида майдонда вафот этди. «Вилли Ваккер» жамоасига қарши кенган ўйинда 25 ёшли футболчи иккинчи голни киритгандан сўнг ҳушини йўқотиб, майдонга йиқилган. Шифокорларнинг унга тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадига қилган савий-ҳаракатлари бесамар келди, дея ёзди «АПА-Спорт» ахборот агентлиги. Экспертиза хулосасларига кўра, унинг юраги орқича хис-ҳаяжонни кўтара олмаган. Уша ўйин 2-0 ҳисобида Акхайнакнинг жамоаси фойдасига ҳал бўлган.

Бахтга қарши мураббий олган жароҳати унчалик оғир эмас экан. Шундай бўлса-да, устоз шогирдининг бундай қутилмаган хатти-ҳаракатидан сўнг эсанқираб қолди. Айтиб ўтиш жоиз, «Голландиялик бузғунчи» лақаби билан танилган Лусиа Райкер профессионал боксда 17 жанг ўтказиб, барчасида галаба қозонган.

Бокс расмий спорт тури сифатида 1900 йилда тан олинган.

Жей Фостер 1958 йили стол теннис бўйича Ямайка миллий чемпионатида галаба қозонганида атиги саккиз ёшда эди.

Афсонавий боксчи Майк Тайсон ўтказган 51 жангидан 21 тасида биринчи раунддаёқ рақибларини нокаутга учратган.



Олимпиада адашлари

Тўрт йилда бир мартаба ўтказиладиган Олимпиада ўйинлари бутун дунё спорт илосмандлари томонидан катта қизиқиш билан кузатиладиган мусобақалар сирасига қиради.

Ҳақиқатда Хитойда бўлиб ўтган XXIX ёзи Олимпиада ҳам бу фикрни тасдиқлади.

Пекин шаҳри мезбонлик қилган ушбу спорт байрами тарихда илк бор учта бир хил рақам — 08. 08. 08 санасида очилганидан хабарингиз бор. Эътиборлиси, ана шу кун Хитойда эллик нафар чақалоқ дунёга келган.

Семирганга... жарима

Бразилиянинг «Васка да Гама» жамоасига бош мураббий этиб тайинланган Ренато Гаучо ўзининг антиқа услуби билан футбол оламини хайратга солди.

Гаучо футболчиларга орқича вазн учун жамоа газнасига жарима тўлашни жорий этди. Энди «Васка да Гама» таркибидаги чарм тўп усталари ҳар бир килограмм орқича вазн учун кунига 300 реал (165 АҚШ доллари) микдорда жарима тўлашларига тўғри келади. Шунингдек, мураббий бу иш назорати билан шахсан ўзи шуғулланишини ҳам айтиб ўтган.



Севги ёш танламайди

«Манчестер Юнайтед» ҳамда Португалия терма жамоасининг ярим ҳимоячиси Кристиану Роналду ўзига янги машуққа топгани ҳақида хабарлар тарқалганди.

Гап-сўзларга қараганда, Фернанда исмли бу аёл бир вақтлар гиеҳванд моддаларга ружу қўйган экан. Боз устига у ёш жиҳатдан Кристианудан катта ҳам. Шундай бўлса-да, чарм тўп устаси ундан кўнгил узолмапти. Севги ёш танламайди, деганлари шу бўлса керак-да.

Сехрли рақамлар

Гольф тўпи кучли урилган зарбадан сўнг соатиға 270 километр тезликка учини мумкин.

Олимпиада тарихида биринчи чемпионликка (эраимиздан аввалги 776 йил) эришган киши эллиадалик Корэб исмли ошпаз бўлган.

1936 йилда стол теннис бўйича ўтказилган турнирлардан бирида польшалик Алекс Энрлик ва руминиялик Панет Фаркаш бир тўпини ютиб олиш учун 2 соат 12 дақиқа беҳато ҳаракат қилишган.

«Detroit Free Press» томонидан олиб борилган кузатишларга кўра, 68 фоиз хоккейчи учрашув вақтида ҳеч бўлмаса битта тишидан ажрлар экан.

Биласизми?

Спортнинг қайси тури бўлмасин, баъзан тортишувли ҳолатлар ҳам юзага келадики, ана шундай вазиятларда ҳатто ҳакамлар тўғри қарор чиқаришга оғирлик қилишади. Масалан, кўп бор гувоҳи бўлганимиздек, футбол, баскетбол, волейбол ёки теннисда ўйинлардан кейин ҳам узоқ вақтгача эътирозлар, баҳс-мунозаралар давом этади. Уларнинг аксариятида айб, шубҳасиз, ҳакамларга юклатилади.

БАСКЕТБОЛДА ЯНГИ ҚОИДАЛАР

Тўғри, амалиётда ҳакамларнинг қўпол хатоси туфайли дуруст ўйин кўрсатаётган жамоа учрашувни мағлубият билан яқунлагани ҳам кузатилади. Лекин таҳлил қилиб кўрилса баъзан ҳакамлардан кўра, ўша спорт тури қоидаларидаги камчиликлар муаммони юзага келтириб қайта ҳам аниқ бўлиб қолади. Шу боис ҳалол галабани таъминлаш мақсадига ҳар бир спорт тури мутахассислари янги-янги тартиб-қоидаларни жорий этишга ҳаракат қилишади. Бугун ана шундай ўзгаришлар баскетболда ҳам кузатишмоқда.

Интернетдаги «sensizolmuyor.org» саҳифасида ёзилишича, Халқаро баскетбол федерациялари ассоциацияси (FIBA) етакчилирининг шу йил Хитойда бўлиб ўтган анжуманида Пекин Олимпиадасидан сўнг баскетболга янги қоидалар киритилиши маълум қилинган. Унга кўра, ана шу ўзгаришлар икки мuddат ичида амалга оширилади. Хусусан, янгиликнинг биринчи қисми жорий йилнинг октябрь ойидан эътиборан кучга кирса, навбатдагиси 2010 йилдан бошлаб амалиётга татбиқ этилади. Ҳўш, улар қандай қоидалар? Келинг, айримларини келтириб ўтсак.

2008 йилдан: — баскетболчилар бундан буён ўйиндаги спорт либослари остидан бошқа ҳеч қандай кийим (майка, футболка) киймасликлари талаб этилади; — агар ўйинчи учрашув вақтида тўп билан муомала қила туриб қутилмаганда йиқилиб, тўйиб кетса, унинг бу ҳолати ҳатоли юриш, деб ҳисобланмайди; — тўп билан ҳаракатланаётган ўйинчи рақиб майдонида деб ҳисобланиши учун унинг ҳар иккала оёғи ҳам марказий чизиқдан ўтган бўлиши лозим;

— агар баскетболчи учрашув вақтида ўз майдонида ҳавога сакраб, олдиндаги шеригидан тўпни қабул қилиб олса ва яна ўз майдонига қайтиб тушса, бу ҳолат орқага тўп узатилиши, деб ҳисобланмайди; — мабодо ўйинчи саватга тушаётган тўпни сават остидан қўлини тикиб қайтариб юборган тақдирда очко рақиб ҳисобига ёзилади; — баскетболчи ўйин вақтида тирсакларини тез, яъни хавфли шаклда ҳаракатлантирса, ҳатто рақиб ўйинчига тегиб кетмаган тақдирда ҳам унга техник жарима ёзилади; — 2010 йилдан: — уч очко чизиғи 6,75 метрга узайтирилади; — саватнинг пастки қисмига ярим доира шакли чизилади. Агар ҳимоячи ана шу ярим доира ичида бўлса ва ҳужумчи унга нисбатан нотўғри ҳаракат қилса, бу жаримига сабаб бўлмайди.

Мутахассислар шу ва бошқа яна бир қатор ўзгаришлар орқали баскетболни мукаммал спорт турига айланишидан умидворлар.

Ҳар иккала жамоада ҳам 11 нафардан футболчи ўйнаши сиғма маълум. Лекин ўн иккинчи ўйинчи бўлиб, жамоага куч-қудрат ато этиш сиз ва биз — ишқибозлар қўлида эканини унутмайлик. Ҳа, деган тўяна мадад дейдилар. Агар яқшанба кун иккинчи бўлиб, йиғитларимизни қўллаб-қувватласак, ишонасизми, Ўзбекистон тўғридан-тўғри жаҳон чемпионатиға йўл олади. Демак, жамоамиз зафар кучиши учун бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишимиз керак. Миллий гурур, Ватан шаъни барчамизни бирлаштиради. Галабага сиз ҳам ҳисса қўшишингиз мумкин.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 956. 25961 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Ташкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.20 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6 7